

ЖАМЎ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 28 апрель сешанба
Сотувда эркин нархда № 85 (1866)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Унда делегатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлинмалари бошқаруворларининг раислари иштирок этди.

Анжуманда таъкидландики, Президентимиз Ислам Каримов фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи ҳисобланган маҳаллалар фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, мақдони янада юксалтиришга муҳим аҳамият бериб келмоқда. Жамиятни демократиялаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳаллаларнинг ўрни беқиссидир. Маҳалла одамлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялаш ўчоғидир. Маҳалла кўмиталари зиммасига аҳолининг эҳтиёжман табакалари манфаатларини пухта ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда хайри ишларни амалга оширишдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Сўзга чиққанлар жамғарма ҳисобот даврида тарихан таркиб топган миллий қадриятларимизни эъзозлаш, аҳоли ва маҳаллалар ўртасида маданий-маърифий ишларни кучайтириш, маҳаллалар фаолиятини яхшилаш борасида муайян ишларни амалга оширишни таъкидладилар. Шу билан бирга, жамғарма бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлими

ва бўлинмалари фаолиятида талайгина камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, бошқарув тизимида жамғарма тузилмасини мустақамлаш, зарур услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, ҳодимлар ва фаолларнинг малакасини ошириш, ҳўжалик-моддий ишларини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмади.

Конференцияда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Конференцияда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруворининг раҳбар органи сайланди. Ш. Темуров ўз аризасига кўра республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруворининг раиси вазифасидан озод этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келатган Ш. Жалилов жамғарма бошқаруворининг раиси этиб сайланди.

Анжуманда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ҳ. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизжўраев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.



ҚУВАСОЙ ФИШТЛАРИ

Қаловини топса қор ёнар, деган нақд беҳудага айтилмаган. Қувасой цемент заводи аҳли дастлаб ўтга чидамли бўлган шомот ғишт танқислигидан анча қийналишди. Чунки айланма печлар учун сув ва ҳаводай зарур бўлган ғиштлар авваллари Россия ва Украинадан келтирилди. Корхона мутахассисларининг изланувчанлиги яхши самара берди. Ҳозир бу ғиштлар корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилаётир. Бу тadbirkorлик заводга катта иқтисодий манфа-

ат келтирди. Зеро, корхонада иқтисодий тежамкорлик эстида бош қотираётган мутахассислар анчагина, — деб ёзди фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов.
СУРАТЛАРДА: шомот ғишт ишлаб чиқарувчи цех пресловчиси Собиржон Қаймов; ишчилар Дилбархон Турғунова ва Алишер Аҳмедов тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда; корхона кўриниши.

ВАКТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида республикада чигит экиннинг бoриши, бошоқли дон экинларига ишлов бeриш, галла комбайнларини мавсумга тайёрлаш ва табиий офатларнинг олдини олишга бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди.

Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.

Мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, соҳага алоқадор вазирлик, кўмита, қондери, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибидеги масала юзасидан Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И. Бобоқон мазруа қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси Т. Камолов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев, Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардилов, Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев, Сирдарё вилояти ҳокими У. Исмоиловнинг ахборотлари тинланди.

Мамлакатимизда бу йил 1 миллион 500 минг гектар майдонга, шу жумладан, 420 минг гектар ерга пўнка остига чигит экиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача 1 миллион 370 минг гектар ерга чигит экиб бўлинди. Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бу йил якунидан Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида чигит экиш бироз орқалда қолмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида эса экин

бажарилган бир вақтда кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 10, Навоий вилоятида 61, Хоразм вилоятида 84, Бухоро вилоятида 93 фоизни ташкил этмоқда.

Кўпгина ҳўжаликларда сувдан самарасиз фойдаланилмоқда. Бир метр куб сув билан сутка давомида ўртача 70-80 гектар майдондаги галла ва бошқа экинларни сугориши мумкин. Лекин шунча сув билан Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида 35-42, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса 18-20 гектар ер сугорилмоқда, холос.

Етиштирилатган галлини ноуд қилмай йиғиштириб олиш кўп жиҳатдан ўрим машиналари пухта ва сифатли ремонт қилинганлигига боғлиқ. Мамлакатимизда ўрим йиғим бошланишига бир ойдан кам вақт қолди. Аммо мавжуд комбайнларнинг 62 фоизи мавсумга тайёрланган. Тошкент, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида бу иш 19-47 фоиз орқалда қолмоқда. Ҳозирги кунда Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида 41-44, Қашқадарёда 55 фоиз комбайнлар ремонтини хали мутлақо қириндирилмаган.

Утган йили шундай эътиборсизлик туғайди мамлакатда галла ўрими чўзилиб кетган эди. Бундан тегишли хўлоса чиқарган ҳолда ремонт ишларига алоҳида эътибор бeриш зарур. Айниқса, комбайнларнинг галла тўқилиши мумкин бўлган жойларини герметизациялаш, элеваторларни, янчиш барабанларини нормал ишлайдиган тарзда таъмирлаш лoзим.

Кенгашда шу каби камчиликларни тезда тугатиш борасида вилоят ва туман ҳокимларига, ҳўжалик раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Л. Аҳмедов кенгашда иштирок этди.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида "Демократия ва ҳуқуқий давлат" мавзусидаги туркум семинар-кенташ ўз ишини бошлади. Дастлабки машғулот жамиятни демократиялаштириш шароитида суд ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўрни масалаларига бағишланди. Таъбири Исон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси уюштирди. Семинарда вилоят ҳокими Х. Гафоров иштирок этди.

Ёркул УМАР, ҲА вақтида

ОЛИЙ МАЖЛИС КўМИТАСИДА

ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Кеча Олий Мажлис Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни кўмита раиси Изидор Кочмарик олиб борди. Ингилишда кўмита аъзолари Олий Мажлисининг XI сессияси кун тартибига киритиш тақлиф этилаётган масалалар ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари узгартишлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лoйиҳасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси қороналари тўғрисида"ги қонунга тегишли қисми ҳамда "Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисидаги шартномага қўшилган ҳақида"ги Олий Мажлисининг қарори лoйиҳасини маъқуллаш ва сессия муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Биз кўмита раиси Изидор Кочмарикдан Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисидаги шартномани қисқача изоҳлаб бeришни сўрадик.

— Ушбу шартнома 1994 йил 27 октябрда Женева шаҳрида қабул қилинган, — деди кўмита раиси. — У товар белгиларига доир қонун ҳужжатларининг товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун ариза бeриш, тўвоқномаларнинг амал қилиш тартиби муддатларини чўзиш ва унга узгартишлар киритиш, товар белгилари, жумладан, экспертиза учун ҳуқуқлар бeришининг маъмурий тартибларига тааллуқли қисмини муқаммаллаштиришга қаратилган.

Ушбу тартиботларни соддалаштириш ва бирчилиштириш бошқа мамлакатларда товар белгиларини муҳофаза қилишни таъминлаш пайтида бюрократияларга энгилликлар бeради. Бу эса экспортчи чиқарилаётган маҳсулотни муҳофаза этиш, истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳимояланганига қаратилган бўлиб, шартнома қўшничи бўлган мамлакатларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Шартнома 1883 йилнинг 20 мартида қабул

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

27 апрель кўни биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якуновчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.

Мажлисида Парламент сессиясига тайёрларлик кўриш бўйича амалга оширилган ишларга ақун чиқарилди. Ишчи кичик гуруҳларининг раҳбарлари Н. Исмоилов, Г. Йўлдошева, Э. Воҳидов сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лoйиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлигини маълум қилдилар. Депутатларга ташкилий-техник хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган иш олиб бeрилмоқда. Сессияга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларини матбуотда тезкор ёритиб бeриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳамма жойда Олий Мажлис депутатларининг сайлов округларидаги ўрнлашувлари ўтказилиб, уларда сессияга киритилаётган қонун лoйиҳаларининг долзарблиги асосли тушунтириб бeрилди, депутатларнинг ҳужжатлар мазмунига доир фикрлари аниқланди. Тўшган барча таклифлар Олий Мажлисининг тегишли кўмиталарида диққат билан ўрганилмоқда ва улар қонун лoйиҳаларини ўзил-кесил тақомилга етказишда ҳисобга олинди.

Мажлисида сўзга чиққан Олий Мажлис кўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонун лoйиҳалари устида олиб бeрилган ишлар ҳақида сўзлаб бeрдилар, қонун лoйиҳалари юзасидан тўшган таклифлар ва мулоҳазаларни бoён қилдилар.

Гуруҳ раҳбари мажлис қатнашчиларига сессия кун тартиби лoйиҳасига киритилиши назоратда тутилаётган қўшимча масалалар ҳақида ахборот бeрди. Шунингдек, кишлоқ ҳўжалигида иқтисодларни чўқурлаштиришга қаратилган туркум қонунларнинг муҳимлиги ҳақида яна бир бор гапириб ўтилди. Чет эл инвестициялари, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қоғолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари, гаров, аҳолини иш билан таъминлаш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларнинг долзарблиги таъкидланди.

Мажлисида қонунларнинг лoйиҳалари устидаги ишни янада кучайтириш, тўшeтган таклифлар ва мулоҳазаларни синчиқлаб ўрганиш ва ҳисобга олишни таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

БИРИНЧИ ЧАКИРИК ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТўГРИСИДА

Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрель кўни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Депутатлар 29 апрель кўни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинди.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоқи таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Сиёсий партиялар фракцияларининг йиғинишлари, шунингдек, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғиниши 29 апрель кўни ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғиниши — партия марказий кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтди. "Адолат" Социал-демократик партияси фракцияси — Тошкент давлат юридик институтининг мажлислар залида, "Ватан тараққиёти" партиясининг фракцияси эса — партия марказий кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Йиғинилар соат 11 да бошланади.

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар ўз йиғинишларини Олий Мажлис биносида соат 15 да ўтказиладилар.

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Маълумки, Олий Мажлисининг XI сессияси кун тартибига Олий Мажлис Исон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини киритиш ҳам қўзда тутилган. Шу боис кеча Олий Мажлис ушбу вакилининг фаолиятини оид мажлис бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлисининг Исон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова олиб борди.

Ингилишда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритиш тақлиф этилаётган масалалар ҳамда Олий Мажлисининг Исон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот мазруаси муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Ингилишда, шунингдек, Омбудсманнинг 1998 йилда мўжжалланган Исон ҳуқуқлари соҳасида нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликдаги дастурини бажариш бўйича таъбирлар ижроси ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатлари аниқ мисоллар асосида кўрилиб, атрофида муҳокама қилинди.

Ингилишда республика Исон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Муадлифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги, "Экосос" халқаро жамғармаси ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашиб, мамлакатимизда Исон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган таъбирлар ва бу борада мавжуд муаммолар ҳақида сўзладилар.

И. ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг асосларидан бири кишлоқ ҳўжалигидир. Соҳанинг тараққиёти эса кўп жиҳатдан бозор иқтисоди табакалари асосида иш юритиш, кишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, мулкий муносабатларни қарор топтириш, айниқса, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга боғлиқ. Шу боис йўлбошимиз бу масалалар жиддий эътибор қаратиб кeлади. Мамлакатимиз Президентининг "Ҳусеий таъбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратаъбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Деҳқон ва фермер ҳўжаликларини фаолиятини таъкидлаш тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳўжатларга мувофиқ, Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларини уюшмаси Деҳқон ва фермер ҳўжаликларини уюшмасига айлантирилди.

Тошкентда ана шу уюшманинг таъсис қурултоий бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан сайланган вакиллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Уюшма раиси А. Бобомирзаев ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, ўз фаолиятида янги босқичга кўтарилаётган мазкур уюшма олдида турган вазифалар ҳақида мазруа қилди.

Мазруачи ва сўзга чиққанлар янги уюшма деҳқон-фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини пухта ҳимоя қилиш, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини йиғиштирувчиларни урувлик, ўғит, қўчат билан таъминлашга, уларга техник,

УШБУ СОНДА

НОНИНГ УВОҒИ ҲАМ НОН
ФОЖИА ИЛДИЗИ 2-бет

АВВАЛ ҲЗИМИЗГА БОҚСАК-ДА, СўНГ...
ЮЗИ ЁРУФ ОДАМЛАР 3-бет

БОРИСКИ ШАРҒОТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ
ТАРИХ — МАЪНАВИЯТ ҚУРОЛИ 4-бет

(ҲА)

(ҲА)

(ҲА)

— Олий Мажлисининг гадаги сессияси кун тартибига «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг янги тахрирда киритилиши кўзда тутилган. Унинг амалдаги қонундан фарқи нимада?

— Мазкур қонун лойиҳаси Меҳнат, Ижтимоий таъминот, Адлия, Молия вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Фанлар академияси билан ҳамкорликда янги тахрирда тайёрланди. Унда ислохотларнинг ҳозирги босқичда ўзининг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳиятини йўқотган айрим қоида ва меъёрлар олиб ташланди. Аксарият моддалар ўзгартирилди. Жами юздан ортиқ қўшимча ва ўзгартиришлар билан муаммалаштирилди. Амалдаги қонунда 6 та бўлим, 41 та модда мавжуд эди. Янги тахрирда эса 4 та бўлим, 35 та модда қолди.

— Шу пайтгача мавжуд амалдаги қонунга ўзгартириш киритилишига зарурат туғилганининг сабаби нимада?

— Республикада кейинги йилларда Меҳнат кодекси, Фуқаролар кодекси, «Таълим тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши

бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулк шаклининг ўзгариши амалдаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва қаррарлигини кўрсатди. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Таълим тўғрисида»ги, «Ма-

ди, ишсизлар тоифасига ҳам киритилмасди. 16 ёшдан ўтганлар ишсиз, деб тан олинди. 16 ёшдан токи пенсия билан таъминлаш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги меҳнатга қобилиятли фуқароларни ишсиз, деб эътироф этиш қонун меъёрлари билан ҳуқуқий мус-

лаги эса кучайтирилди. Аввалги қонунда «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг солиқлар ва давлат божи тўловлари бўйича берилган имтиёзлари» тўғрисидаги меъёри Солиқ ва Божхона кодекслари билан тартибга солиниши сабабли чиқариб ташланди. Илгари корхона раҳбарлари ишдан овоз қилиш тўғрисидаги ахборотни меҳнат органларига 3 ой аввал тақдим қилиши белгиланган эди. Ҳозирги лойиҳада бу муддат 2 ой деб кўрсатилди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш борасида қайси масалаларга аниқлик киритилди?

ТАКЛИФЛАР МУЛОҲАЗАГА УНДАЙДИ

Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Мўътабар СОДИҚОВА билан суҳбат

ҳаллий давлат ҳокимият органлари тўғрисида»ги қонунлар, «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг меъёрий қоидалари эътиборга олинди. Дейлик, лойиҳанинг 2-моддасида «Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан 12 йиллик мажбурий ўрта махсус таълимнинг жорий қилиниши муносабати билан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда билим олаётган фуқаролар иш билан таъминланганлар тоифасига киритилди. Ваҳоланки, олдин 9-синфини тугатганлар 15-16 ёшда меҳнатга лаёқатли ҳисобланмас-

тақамланди. Меҳнат органига иш билан таъминланиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларга ишсизлик мақоми бериш борасидаги масъулиятлар бирмунча кучайтирилди. Аввалги қонундан фарқи ўлароқ, янги тахрирда кўрсатилишича, меҳнат органига мурожаат қилган шахс 10 кун давомида урсиз сабабларга кўра мунтазам хабар олиб турмас, унга ишсизлик мақоми берилмайди.

Меҳнат кодексининг 25, 68, 69-моддаларига биноян, ҳарбий хизматни ўтаганлар ҳамда сайлаб қўйилмаган лавозимдан ваколати тугатганлиги муносабати билан овоз этилган шахсларга нисбатан эса қўшимча қафолатларни назарда тутувчи 2 та

— Амалдаги қонуннинг «Ишга жойлаштириш шартнома тузиш шаклидан фойдаланиш ҳуқуқи» тўғрисидаги 11-моддаси аҳолини иш билан таъминлашга алоқаси бўлмаганлиги сабабли олиб ташланди.

Биринчи марта алоҳида моддада Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий органларининг аҳолини иш билан таъминлашга ваколатлари аниқ ёритиб берилди. Шу билан бирга, амалдаги қонунда маҳаллий давлат органларининг ваколатлари бир неча моддада берилган бўлса, лойиҳада бу ваколатлар бир моддага жамланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат-

лари эса кучайтирилди.

Аввалги қонунда «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг солиқлар ва давлат божи тўловлари бўйича берилган имтиёзлари» тўғрисидаги меъёри Солиқ ва Божхона кодекслари билан тартибга солиниши сабабли чиқариб ташланди. Илгари корхона раҳбарлари ишдан овоз қилиш тўғрисидаги ахборотни меҳнат органларига 3 ой аввал тақдим қилиши белгиланган эди. Ҳозирги лойиҳада бу муддат 2 ой деб кўрсатилди.

Лойиҳада ишсизлик нафақалари, каебга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш давридаги стипендияларининг ўз вақтидаги тўлови бўйича қафолатлари тўлиқ сақланиб қолди.

Лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан экспертизадан ўтказилди. Бу, албатта, чуқур мулоҳаза, мунозараю муҳокамалар эвазига амалга ошди. Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига киритиш таклифи этилаётган мазкур лойиҳада тараққиёт йўлидан далил оқимлаётган юртимизда фаол меҳнат қилаётган инсонлар манфаати мўжассам этилган, деб ўйлайман.

«Халқ сўзи» мухбири Кўчкор НОРҚОБИЛ суҳбатлашди.



Ўрта Чирчиқ туманида ташкил этилган газлама учун иш тайёрлайдиган ўзбек-бангладеш қўшма корхонасида меҳнат тўловчи. Янги ва замонавий дастгоҳлар билан ишлаётган корхонада 160 киши меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти маҳаллий ёшлардир. Ҳозир корхонада 8 та цех фаолият кўрсатаяпти. Қўшма корхонанинг мусасислари «Ким Пен Ха» корпорацияси ва «Шонали-текстиль» ЛТД фирмасидир.

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Лобар Отақуллова. С. ЗУФАРОВ (Ўза) олган сурат.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Ангренидаги Облик нурда материаллар карьерни дармоаси йилнинг ўтган даврида республикамизнинг йирик қурилишлари учун 50 минг куб метрдан кўпроқ қум-шағал етказиб берди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентдаги «Чорсу» теннис корти ва бошқа ишнотларни бунёд этишда айнан шу корхона маҳсулотидан фойдаланилди. Ҳозир «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлини кенгайтиришда иштирок этаётган «Кам-чиққурилиш» каби ўттиздан ортиқ ташкилотга кунига минглаб куб метр маҳсулот жўнатишмоқда.

Айни кунларда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариши янада кўпайтириш мақсадида цехларни замонавий технология асосида қайта жиҳозлашга киришилмоқда. Бу ишга хорижий сармоядорлар жалб этилаётди.

Н. ДУШАЕВ, Ўза мухбири. Тошкент вилояти.

ШОЛИ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг асосий шиликдорлик минтақаси — Қорақалпоғистонда шоли экишга киришилди. Бу муҳим тадбирни Оролбўйи хўжаликлари орасида биринчи бўлиб Чимбой туманидаги «Қизилўзақ» деҳқон-фермер ширкати шиликдорлари бошлаб берди. Жорий йилда 8 минг 500 тонна дон етиштиришни режалаштирган хўжаликнинг барча далаларига сарҳосил «Нуксе-2» нави экилмоқда.

Қорақалпоғистонда бу йил 75 минг гектар майдонда шоли етиштирилади. Ўза мухбири.

ПАЙҲОНЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

НОННИНГ УВОҒИ ҲАМ НОН

Айтишларича, қадимда бир аллома узок сафарга йўл олибди. Хориб-чарчаб, толиқиб бир жойга етганда очкади. Туянинг устида рўмончада ўралган нонни олиб ея бошлайди. Нима бўладию, ноннинг зигирдай увоғи, паста, ўт ўланлар орасига тушиб йўқолади. Уни аллома жуда кўп қидиради, лекин тополмайди. Ниҳоят кўнглига бир фикр келиб, увоқ тушган жойининг атрофига девордан кўрғон қилиб кетади. Шу-шу у ерни «Ушук ота» дейишаркан.

Ҳа, ноннинг увоғи ҳам нон. Уни қанчалик эъзозласак, турмушимиз шунчалик фаровон бўлади.

Авжи баҳорнинг илиқ-намхуш ҳавоси. Сахий куёш тафтидан кундан-кунга кўкка буй чўзаётган кўм-кўк майсазорлар кўзни қувонтиради, эртанги бўлажак мўл-ҳосил орзиқтиради. Борро майсалар парваршига, деҳқон меҳрига ташна. Шундай экан, биз элнинг ризқу насобиси бўлиш галла майдонларига бўлган эътиборни, назоратни бир кун ҳам сусайтирмаслигимиз лозим.

Туманимизнинг ҳудуди 122456 гектар бўлиб, шундан экин экиладиган ер майдони 18884 гектарни ташкил қилади. Ундан 1500 гектари суви, 7384 гектари лалмкор майдонлардир. Туман таркибида 13 та жамоа хўжалиги ва 7 та жамоа ширкатлари мавжуд. Жойларда биз пайҳончиликка қарши курашиб, галла майдонларида юрган чорва молларининг кимга тегишлилигини аниқлаб, хўжалиқларга келтирган зарари учун жарималар солмоқдамиз. Булардан «Ҳақиқат» жамоа хўжалигиндан Исқандар Минглишев, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигиндан Бўрон Ёқубов, Ж. Михлиев номли жамоа хўжалигиндан

Холмўмин Холёров, А. Холиқов номли жамоа хўжалигиндан Мусурмон Мирзаев, Дилмурод Сафаров ва Бибиҳон Бурхонова-ларга, шунингдек, бошқа бир қанча чорва молларини эътиборсиз қолдирларга ҳам чора кўрилиб, жами 21 минг сўм миқдорда жарима ўндириб олинди. Эртанги тўкин дастурхонимизга манба бўлган галла майдонларига кўра-била туриб чорва молларни қайдаган кимсаларни ҳам дейиш мумкин?

Маълумки, манфаатларимизга путур етказганлар, қонунни менсимганлар ўз фойдасига адашиб, пайҳончиликка йўл қўяётганларни бундан-да оғир жазолар кутмоқда. Аммо баъзи масъулиятсиз кимсалар ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётқандек. Хар бир инсон эл-юрт ташвишини ўз ташвиши деб билмас экан, элим деб, юртим деб ёниб яшамаскан, бирон-бир натижага эришиш мумкул. Пайҳончиликка қарши курашиш нафақат орган ходимларининг бурчи, балки бутун жамоатчиликнинг бурчи десак, хато бўлмайди.

И. УБАЙДУЛЛАЕВ, Яккабоб тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил ўзбек давлатчилигини ривожлантиришда муҳим босқични бошлаб берди. Кун тартибига Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг бутун сиёсий-ижтимоий тизимини, ҳусусан, унинг сайлов тизимини тубдан ислоҳ қилиш вазифасини қўйди. Бу, энг аввало, ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлиси сайлашнинг қонуний асосларини яратадиган ва ҳокимиятнинг жойлардаги вакиллик органлари — халқ депутатлари кенгашларини сайлашнинг табиий-ҳуқуқий механизмининг яратадиган иборат эди. Ана шу мақсадда мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги янги қонунлари вуждага келди. Олий Мажлисининг X сессиясида биринчи ўқишда маъқуланган Ўзбекистон Респуб-

ликаси «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида фикр юри-тадиган бўлса, маълумки, бу комиссия ҳар сайловда, референдумда янгидан ташкил этилар, уларнинг аъзолари

лиқаси «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида фикр юри-тадиган бўлса, маълумки, бу комиссия ҳар сайловда, референдумда янгидан ташкил этилар, уларнинг аъзолари

жамоатчилик асосида ишлар эди. Энди у «ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган» (1-модда), комиссия аъзолари эса «унда доимий асосда ишлаши мумкин» (4-модда).

Мазкур қонун лойиҳасининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган ҳолда айрим мулоҳазаларимизни ҳам билдиришни лозим деб топдик. Лойиҳанинг 1-модда 1-бандида иккита мустақил фикр ифодоланган.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОИЛДАН

Шунинг учун уни иккита бандга ажратиш лозим. Яъни, «студия» деб нукта қўйиш ва янги банддан «Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини» деб давом эттириш мақсади маънофид бўлади.

3-модданинг 5-банд 1-модданинг охирига қўчирилса, мазмун ва мантиқан тўғри бўлади.

2-моддада комиссия ўз фаолиятини «қонунчилик, колле-комиссияси ўз фаолиятини давом эттириши, Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонунларга, шунингдек, мазкур қонунга ва бошқа қонунларга амал қилади».

Сўнгра шу моддани қўйдигани ҳақида шундай мумкин: «Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини асосан

«ҳаракатлари» сўздан сўнг «ҳужжатларини ишлаб чиқариш» эмас, балки «комиссияларига бўйича» деб, «алоҳид воситалар» сўзларидан сўнг «сейф ва бошқа жиҳозлар» деб қўшиб қўйилса, маъно аниқ ифодоланарди.

Лойиҳанинг 7 ва 8-моддаларини қўшиб юборса ҳам бўлади. Чунки уларнинг иккала моддаси ҳам комиссия мақсади тўғрисида сўз боради. Шунингдек, комиссия қарорларига бағишланган 9 ва 10-моддаларини ҳам бирлаштирсак бўлади.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилинса, шубҳасиз, республикада халқ ҳокимиятичилигини такомиллаштиришда янги кадам қўйиларди.

Али ЗУЛФИҚОРОВ, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Олимжон ТЕМИРОВ, техника фанлари номзоди.

Жанубий қўшнимиз Афғонистонда давом этаётган биродарқушлик уруши, вайронга айланган шаҳару қишлоқлар, бутунлай издан чиққан иқтисод, курашларда толиққан ва очланиб қолган халқ — буларнинг барчасининг илдизлари 1978 йил 27 апрель кунини содир бўлган «Савр инқилоби»га келиб тутади. Афғонистон Халқ демократик партиясининг раҳбарлари «ҳаммани бирданига бахтиёр қилиш» гоёси билан 1978 йилнинг апрель ойи охирида қўлда қурол билан Президент Муҳаммад Довуд саройини ишғол қилишди. Қўлга киритилган чексиз ҳокимият, мамлакат ва халқ устидан ҳукмронлик қилиш инқилоб арбобларининг бошини айлантириб қўйди. Улар ҳокимият тепасига келишлари ҳаманоқ ваъда қилинган «ялпи тенглик», «бахтиёрлик», «адолат» сингари баландпарвоз гоёлари унутиб, ҳукуматдаги мансабларни бир-бирларини маҳв этиб бўлса-да бўлишга киришиб кетдилар. Ҳокимиятни қўлга киритиш, илгари сурилган гоёлар ва кураш услублари 1917 йил октябрдаги большевиклар давлат тўғрисидаги эслатишлари, Афғонистонда рўй берган ушбу «инқилоб» сценарийси муаллифлари кимлар эканлигини ва у қардан туриб бошқарилганлигини сезиш қийин эмас.

Миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган, катта бир мамлакатни уруш олови ичида ҳамон ёндаётган афғон «инқилоби» учун жавобгарликдан қўчибми ёки виждон азобиданми-Россия оммавий ахборот воситалари кейинги пайтда: «Афғонистон Халқ демократик партияси инқилобини мустақил равишда амалга оширди. Четдан, ҳусусан, СССРдан ҳеч қандай кўмак берилмади» деган навбатдаги ёлгонга жамоатчиликни ишонтиришга урин-

моқда. Игорь Бунич эса ҳақиқатни қуйидагича тасвирлайди: «1978 йилнинг 27 апрель кунин Афғонистонда коммунистик тўнтарилар содир бўлди. Бу тўнтариларини Андроппонинг ходимлари бир неча йил мобайнида тайёрлаган эдилар. Муҳаммад Довуднинг демократик ҳукумати «Афғонистон Халқ демократик партияси» деган ном билан аталадиган ком-

мунистик фракция томонидан ағдариб ташланди. Москвадан бевосита айғоқчиси Тараққий президент бўлди. Дарҳол СССРдан жуда кенг кўламли иқтисодий ва молиявий ёрдам келди. Афғонистонга шўроларнинг минглаб «маслаҳатчи»лари ёпирилди. «Ягона чин таъминот» асосида ҳаракат қилган Тараққийнинг коммунистик ҳукумати дарҳол одамларни отишга, масжидларни бузишга, халқни ялпи талашга киришди».

Афғонистон халқлари зўравонлик билан «бахтиёр» бўлишни истамасди. Минг йиллик тарихий илдизларга, аянана ва миллий турмуш тарзига эга бўлган халқ тақдирини, ҳаётини бир кунда инқилобий йўл билан ўзгаришини сира-сира қабул қила олмасди. Одамлар тинч ҳаётини, иқтисодий тараққиётини, фаровон турмушини озу қилишарди. «Инқилобчилар» кейин «ҳаммага баробар тақсим-

лаш» баҳонасида одамларнинг молу мулкларини, деҳқонларнинг ерларини, қўшнинг мол-қўлини зўрлик билан тортиб ола бошладилар. Халқ алолатсизликка қарши исён кўтарди. «Инқилобчилар» ҳукуматининг умри тугаши аниқ бўлиб қолди. Аммо Совет Иттифоқидан ҳарбий ёрдам сурашдан бош торган инқилобнинг миллий кайфиятдаги ягона раҳбари

ний гуруҳларга бўлиниб кетди. Кўз кўриб қўлоқ эшитмаган ваҳшийликлар, уруш оловидан буткул қоврилган мамлакат, тарқоқлик ва чорасизлик оқибатида афғон жамияти чуқур таназулни бошидан кечирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустаррақлигининг дастлабки йилларида афғонистондаги урушни тўхтатиш, ушбу мамлакатнинг

ҳида ўрин тутади. Чунки ушбу давлат халқро нарқобизнес, террорчилик, қуролларнинг тарқалиш манбаи бўлиб қолаётганлиги — бу эса бутун дунё хавфсизлигига раҳна солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишидан мамлакатимиз нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам манфаатдор. Йўлбошчимиз айни шу масала ҳусусида тўхталиб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирган эдилар: «Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини хошлайдилар. Тинчлик бўлса, автомобиль йўллари, темир йўللар қуриб, биз бу мамлакат орқали Ҳинд океанига қиқшимиз мумкин... Шароит туғилса, биз йўл қурилишини бошлаб юборишга тайёрмиз. Ушбу лойиҳани молжавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган банклар ҳозир жуда кўп. Фақат битта нараса — тинчлик керак. Бугун бир-бирини ўлдириб, отиш билан тиркичилик қилаётган миллион-миллион афғонлар эртга йўл қурилишга ўтади. Ризқини тинч меҳнатдан топиб, бола-чақасини тарбиялайди».

Бугун, ордан йигирма йил вақт ўтгандан сўнг «Савр инқилоби» фожиялари одамларни қон тўкиши ва зўравонлик билан бахтли қилиб бўлмастидиган оғоҳ этмоқда. Ҳаётини ўз табиий қонуниятларини мавжуд. Уни бир сакраш ёки инқилобни йўл билан ўзгартиришга интилиш шаксиз фалокатга олиб келиши жаминки инқилобларнинг, ҳусусан, афғон инқилобининг ҳам сабабидир.

Жалолоддин САФОЕВ.

ФОЖИА ИЛДИЗИ

20 йил аввал Афғонистонда рўй берган «Савр инқилоби» мамлакатни фалокатлар гирдобига чўктирди

Амин дарҳол йўқ қилиниб, Москванинг қозонида обдан қайнаган Бабрак Кармал ҳукумат тепасига келганидан, боз устига совет қўшинлари Афғонистонга киргандан сўнг халқ исёни умумийлиги овозлик урушга айланди.

Афғонистонда совет қўшинлари қаратиб, жумладан, шундай деган эдилар: «Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди... Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз. Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим».

ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолтиш сиёсатини юргизмоқда. Мамлакатимиз Президентини Исом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жаҳон жамоатчилиги диққатини Афғонистон муаммосига қаратиб, жумладан, шундай деган эдилар: «Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди... Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз. Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим».

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган жаҳонда йлпи хавфсизлик минтақавий хавфсизликдан бошлангани гоёсида ҳам Афғонистон муаммоси ало-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 28 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи: %

1 Австралия доллари	55,57	1 Норвегия кронаси	11,54
1 Австрия шиллинги	6,82	1 Польша злотийси	25,35
1 Англия фунт стерлинги	143,22	1 Португалия эскудоси	4,69
10 Бельгия франки	23,28	1 Сингапур доллари	53,89
1 Голландия гульдени	42,66	1 СДР	115,87
10 Греция драхмаси	2,76	1000 Туркия лираси	0,35
1 Дания кронаси	12,58	1 Финляндия маркаси	15,83
1 БАА дирхами	23,38	1 Франция франки	14,32
1 АКШ доллари	85,85	1 Швеция кронаси	11,19
1 Миср фунти	25,23	1 Швейцария франки	57,56
1 Ирландия фунти	120,86	1 ЭКЮ	94,80
1 Финляндия кронаси	1,20	10 Жанубий Корея воени	0,63
10 Испания песети	5,05	10 Япония йенаси	6,52
100 Италия лираси	4,86	1 Россия рубли	14,00
1 Канада доллари	59,90	1 Украина гринаси	42,08
1 Хитой юани	10,37	1000 Беларусь рубли	2,48
1 Кувейт динори	284,08	1 Латвия лати	145,02
1000 Ливан фунти	5,63	1 Литва лити	21,46
1 Малайзия ринггити	22,79	1 Молдова лейи	18,19
1 Германия маркаси	48,00	1 Қирғизистон сомни	4,55

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олганган.

Бозор иқтисодиёти халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек, қурилишда ҳам меҳнатни ташкил қилишнинг энг илғор, янги усулларининг кенг қўлланиши тақозо қилмоқда.

мади. У Чуст туманидаги Сарикамиш қишлоқ шифокорлик пунктини қуриб берадиган бўлди. Учинчи иншоот сотилимади.

— Аввало, қурилишда рақобат пайдо бўлди, — дейди пудрат (тендер) савдосини ташкил этиш республика бошқармасининг Наманган вилоят бўлими бошлиғи Ҳошимжон Тожибоев.

чет эл компаниялари, фирмалари ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу йил биз вилоятимизда 16 та қурилиш иншоотини тендер усулида сотишни ре-

ҚУРИЛИШДА РАҚОБАТ БЎЛАДИ

жалаштирганми.

Илк бор бўлиб ўтган савдога вилоятда бунёд этилиши лозим бўлган 3 та қишлоқ шифокорлик пункти қўйилган. Унда бу иншоотларни қуриш истантини билдирган 10 дан ортиқ ташкилот иштирок этди.

матини бошқаларга нисбатан анча арзон таклиф қилган. Қолаверса, қурилиш сифати ва муддатга ҳам буюртмачини тўла қаноатлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, қурилишда тендер савдоси йўлга қўйилгани аниқ мўлдат бўлди. Вилоятда илк бор бўлиб ўтган савдо якунлари ҳам бундан тасдиқланади.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРОЛБЎЙДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ

Этликкальва туманидаги хушманара Оққул соҳилида болаларни соғломлаштириш мажмуи қурилиши бошланди.

Курлишни «Экосан» халқаро жағмармаси, республика Касаба уюмлари федерацияси маблағ билан ташминламоқда.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

ПЛЁНКАНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАДИГАН ДАСТГОҲ

Пахтачиликда қўлланилаётган чипитни плёнка остига экиш усулининг деҳқон учун қанчалик манфаатли эканлигини энди энди ҳис этмоқдамиз.

СУРАТЛАРДА: ахтироқи Қимсанали Эргашев ва у яратган мола.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

МУЛОҲАЗА

АВВАЛ ЎЗИМИЗГА БОҚСАК-ДА, СЎНГ...

Тахририятга келган шикоят хатларидан бири эътиборимизни тортди. У шундай жумлалар билан бошланади: «Биз, фуқаролар тегишли органларга шикоят ёздик, ўз исботини топди, лекин натижа йўқ. Шунинг учун сизлардан нажот сўраб, қисман маълумот беришимиз. Ишотланган фактларга қонуний жавоб беришни талаб қиламиз».

Табиийки, бундай сўзлардан кейин ҳар қандай киши ҳам хўшёр тортади. Шикоятнинг қолган қисмини ҳам диққат билан ўқиймиз. Унда, жумладан, шундай даъволар ўртага ташланганлиги эмиш 1993-1994 йилларда пахта сотиб олиш авжга чиқди, текширишда тасдиқланди, аммо натижасиз қолдирилди.

ача айтганда, нон-қатиқ эмаслар, умуман, бу ердаги ишларга алоқадар бўлмас, воқеа-ҳодисалардан бехабар бўлсалар, нима мажбур этди экан уларни бу аризага имзо чекмоқликка?

Жавоб мактубини ўқишда давом этамиз: «Улар худди шундай мазмундаги ариза билан 1997 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Самарқанд вилоят ҳокимлигига, вилоят прокуратурасига, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига, вилоят ички ишлар бошқармаси коррупцияга қарши кураш бўлими каби жами саккизта давлат ва назорат органларига мурожаат қилганлар.

1997 йилда вилоят ҳокими ва коррупцияга қарши кураш бўлимига ёздик. Хужжатлар ички ишлар бошқармасига ва прокуратурага юборилди, деган мазмунда хат олдик ва ҳоказолар.

Ушбу аризаларда ёзилган далиллар юзасидан 1997 йил 24 апрелдан то 7 сентябрга «Оқ олтин» ҳўжалигининг 1995, 1996 ва 1997 йиллар давомидаги фаолияти бўйича тафтиш ўтказилган.

Мазкур шикоятга 12 киши имзо чеккан. Наҳотки, шунча нобоб ишлар бўлади-ю, ҳаммаси ёпилиб кетаверида, деб ўйлайди ҳар қандай киши. Масала жиддий бўлганлиги сабабли, тахририят туман ҳокимлигидан ушбу жумбоқни ечишни сўраб, шикоят муаммоларининг барча даъволирининг унинг ихтиёрига юборди.

«Аризада биринчи имзоси бўлган Омон Жуманов 1996 йилда ҳўжаликда бош муҳандис бўлиб ишлаб, 8 дон трактор шинасини қимларгадир бериб, 119 минг сўмлик камомалга йўл қўйганлиги тафтиш давомида аниқланган».

Яқинда Самарқанд вилояти Нарпай туман ҳокими А. Жамилев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Энди шикоятчиларнинг даъвоси билан текшириш якунларини солиштириб кўрайлик.

«Буёғи қандай бўлди энди? Аввал ўзимизга боқсақ-да, сўнг ногора қоқсақ дуруст бўлармиди, ани билмадик. Лекин бир нарса аниқ — қинғир ишдан кейин ҳам билинади, деганларни рост экан. Бундан қанчалик, тафтиш жараёнида аниқланган камомалга оид хужжатлар туман прокуратурасига қўриб чиқилган учун юборилди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилаётган экан. Хуллас, туман ҳокимининг ёзишича, аризага имзо қўйган фуқаролар билан суҳбат ўтказилди, шикоятни текшириш якунлари уларга таништирилган.

Қизик, ўзлари шу ҳўжаликда ишлаганлар, бошқ...

«Ана шунча гаплар...»

Исмомил СУЛАЙМОНОВ, хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлимининг муҳаррири.

ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ КЕЛИШМОҚЧИ

Япониянинг иқтисодий ташкилотлар федерацияси (Кэйдайрэн) директорлар кенгашининг мажлислар залида япон монополистик капиталининг умуби ирқчи мувофиқлаштирувчи маркази таркибига кирувчи япон компаниялари раҳбарларидан иборат делегация Ўзбекистонга бўлажак таширифта бағишланган мажлис бўлиб, — деб хабарлайди Тоқтодан «Жаҳон» АА мухбири Музаффар Зоҳидов.

Федерация 1946 йилда ташкил топган. Унинг асосий таъсиси иқтисодиётнинг энг муҳим масалалари бўйича ишбилармон доиралар фикрларини ҳужумат ва парламент эътиборига ҳавола этишидир.

Мажлис иштирокчилари япон ийрик бизнесининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қатъи қизиқиш билдириши бўлажак таширифт ҳам исботламоқда, бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайишига ёрдамлашади, деб умид билдиришмоқдалар.

ларнинг таъкидлашича, моддий хомашё ресурслари бой Ўзбекистон катта салоҳиятга эга ва хорижий сармоядорларни ўзига жалб этмоқда.

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ ҲОСИЛГА БАРАКА!

Наманган вилоятидаги бир қанча ҳўжаликларда ипак қурти боқишга киришилди. Яқин кунларда ҳамма жойда қурт уруғини тарқатиш ниҳоясига етади.



Тажирибадан маълумки, ипак қуртининг сермаҳсул эотларининг пилласи салмоқли, ипаги мустаҳкам бўлади. Шу боис вилоят пиллачилари бу йил пилладан баракали ҳосил олиш ниятида.

БУЙУКНИНГ ФЕРМЕРИ

ЮЗИ ЁРУҒ ОДАМЛАР

Бойвутлик Қаршибой Эшназаров қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш салоҳиятини икки-уч баравар кенгайтириб, республикага танилган иқтисодий бакуват фермерлар қаторига қўшилди.

Сўхбатлош ҳақда икки оғиз сўз: Қаршибой Эшназаров ўзининг «Чорвалдор-4» деҳқон-фермер ҳўжалигини 1990 йилдаёқ ташкил этган эди.

Мана, бир мисол. Утган йили 190 гектар ерга чигит эдик. Шунча майдондаги гузага уғит, ишлов бериш учун техникага ёниги, эҳтиёт қисм, бундан ташқари, чорва молларига озуқа ордик. Уларни олиш учун вақтида пул ўтказиш лозим бўлади.

Биз бу йил экин майдонимизни қарийб икки ярим баравар кенгайтириб, 439 гектарга етказдик. Шундан 414 гектари пахта, 17 гектари буғдой, 8 гектари беда.

Биз бу йил экин майдонимизни қарийб икки ярим баравар кенгайтириб, 439 гектарга етказдик. Шундан 414 гектари пахта, 17 гектари буғдой, 8 гектари беда.

Мосимияни қондиришда ва 6 ой муддатда фоизлари билан тўла қайтариш шарти билан сўраган суммани беришди.

даромадини маҳалласи, қишлоғи, тумани, вилояти, қўйингки, Ватанининг равнақида сарфлайди.

«Халқ сўзи» мухбири Ф. САНАЕВ ёзиб олди.

АК - САДО

ТАРИХ — МАЪНАВИЯТ ҚУРОЛИ

Газетамизнинг шу йил 31 март сонида тарих фанлари докторлари К. Усмонов ва Р. Муртозаевларнинг «Ватан тарихи қандай ўқитилди?» сарлавхали мақоласи чоп этилган эди. Делвалар мавзуга бағишланган мазкур мақола жамоатчиликда кизгин фикр-мулохазалар уйотди. Табиийки, ҳақиқат баҳсларида ойдинлашди. Шу боисдан тахририятимиз юқоридаги мақолага муносабат билдирилган мактубларга ҳам газета саҳифаларида ўрин беришни мақсадга мувофиқ деб билди.

Ўзининг мазмуни ва аҳамиятига кўра, шу куннинг долзарб масаласига дахлдор «Ватан тарихи қандай ўқитилди?» деган мақола республика тарихчиларида кизиктириш уйғотмай қололмас керак. Зеро, мазкур мақолада Ўзбекистон тарихини чуқур ислохотларни бошдан кечираётган халқ таълими тизимининг барча бўғинларида ўқитилишига доир мулохазалар ўртага ташланган. Шу соҳанинг мутахассислари кўтариб чиқилган масала ва тавсияларга ўз муносабатларини рўйроқ билдиришлари мантиққа мос эканликлари шубҳасиз.

Мақола муаллифларининг умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув юрларида Ўзбекистон тарихи фанининг ўқитилишида давомийликни сақлаш, мазкур ўқув предмети 5-синфдан тўғрив 10-11-синфларгача қай тартиб ва қандай изчилликда ўрганиши ҳақидаги мулохазалари кишида монелик туғдирмайди. Лекин уларнинг Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юрларида изчилликда ўрганиши ҳақидаги мулохазалари кишида монелик туғдирмайди. Лекин уларнинг Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юрларида изчилликда ўрганиши ҳақидаги мулохазалари кишида монелик туғдирмайди.

Биринчидан, Ўзбекистон тарихи олий ўқув юрларида эскича ўқитилаётгани йўқ, бу фан анчадан бундан янгирақ ўқитилиб келинапти. Мазкур фан бўйича университетлар ва педагогика олий ўқув юрларида тарих фанининг ўқитилишида давомийликни сақлаш, мазкур ўқув предмети 5-синфдан тўғрив 10-11-синфларгача қай тартиб ва қандай изчилликда ўрганиши ҳақидаги мулохазалари кишида монелик туғдирмайди. Лекин уларнинг Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юрларида изчилликда ўрганиши ҳақидаги мулохазалари кишида монелик туғдирмайди.

Республикадаги олий ўқув юрларида Ўзбекистон тарихи кафедралари ташкил қилинган ва улар шу фан ўқитувчиларининг илмий-педагогик малакасини ошириш бўйича анчагина ишларни амалга оширишлари ва оширмақдалар.

Масаланинг яна бир томонини ҳам эътибордан четда қолдириш маъқул кўринмайди. Талабаларга гоёвий-мафкуравий таъсир кўрсатишининг энг муҳим омилларидан бири — Ўзбекистоннинг янги тарихдан таълим бериш жараёнидир. Маънавий таъсир кўрсатиш, талабаларда тарихий онгни, миллий ўзлигини шакллантириш, уларни миллий истиқлол гоёлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида катта танаффус қилиш ўринли иш эмас, албатта. Ўзбекистон тарихи қудратли маънавий қурол сифатида доимий ҳаракатда бўлиши, ўзининг бутун мазмуни билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий истиқлол гоёлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоғи даркор.

Р. ШАМСУДИНОВ, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг муdiri, тарих фанлари доктори, профессор.

П. ИСМОИЛОВ, доцент, тарих фанлари номзоди.



Кунлар тоза... ўйлар тоза... сўзлар тоза.

Осмон-осмон кўнгилларида олам оқар.

Рухинг овоз, жисминг овоз, ишқ овоза,

Ёшлик фасли юрагингда ўтлар ёқар.

Тиниқ-тиниқ фалаклардан куйлагин дил,

Дунё гўзал, дунё чаман, Сен — атиргул.

Самоларнинг титроғини олиб қайтар,

Сочларингнинг тўқинига чўмган сунбул.

Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий... Бу ёруғ дунёнинг бирон-бир гўшасида бу табаррук номи эшитмаган киши бўлмас керак. Мамлакатимизда ул зотнинг муборак тўйларини нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари кизгин давом этапти. Халққаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, шарқшунос олим Убайдулла Уватов «Имом Бухорий ҳаёти» номли китобини нашрга тайёрлади.

— Мустақиллигимиз шарофатидан кўплаб алломаларимиз қатори имом ал-Бухорий ҳам эли ва юрти бағрига аста-секин қайтмоқда. Унинг ҳаёти ва ижоди муфассал ўрганилиб, асарлари ўзбек тилида чоп этиляпти. Бундан тўрт йил муқаддам Самарқандда имом ал-Бухорийга бағишланган катта халққаро анжуман ўтказилган эди. 1997 йилдаёқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Шу қарорга кўра, бу йил имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади.

Қарорнинг бир йил олдин чиқиши ҳам тайёргарликнинг кенг қўлама бўлишидан дарак эди. Ҳозир улуг ватандошимиз ҳаёти ва ижодига доир асарлар нашр қилинмоқда. Уларни рус, ўзбек, инглиз тилларига таржима қилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этиш ишлари олиб борилаяпти. Имом ал-Бухорий мақбарасини таъмирлаб замонавий, бетақрор муҳташам ёдгорлик мажмуини барпо этиш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари Туркия, Сурия, Иордания, Миср каби қатор мамлакатларда бўлиб, имом ал-Бухорийнинг асарларидан фотонусхалар олиб қайтишди. Китоб дўконларида сотилаётган асарлардан келтирилди. Энг нодир нуسخалар видеотасвирга туширилди. Аллома ижодининг турли қирраларига бағишланган тадқиқотлардан юзга яқини олиб келинди. Юбилей баҳонасида кенг қўламадаги ишлар амалга ошди. Буларнинг барчаси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишга катта ҳисса қўшади.

Араб дунёсида имом ал-Бухорий асарлари мутасил равишда ўрганиб келинган. Ливанда шу йил январь ойи охирида «Ас-сафйр» («Элчи») номи билан чоп этиладиган рўзно-

мада бир хушхабар эълон қилинди. Унда ёзилишича, «Саҳийҳ ал-Бухорий» Ливаннинг Тарабулус шаҳрида уч ой давомида хатм қилинади, яъни ўқила-



ВОРИСЛИК ШАРОФАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

«Саҳийҳ ал-Бухорий»нинг хатм қилиниши тарихи етти юз йилга яқин. Мамлуқлар султони Ал-Ашраф Носириддин Шабоб II «Саҳийҳ ал-Бухорий»ни тўлиқ ўқиб, унинг хатм маросимини шодиёналик билан жорий қилган пайтдан бундан анъана давом этиб келади.

Тарабулус шаҳрида Имом ал-Бухорий курсиси (суянчиқлик, кенг юмшоқ ўриндик) мавжуд бўлиб, курси «Саҳийҳ ал-Бухорий»ни хатм қилиш маросимини жорий этилиши муносабати билан етти юз йил муқаддам махсус тайёрланган. Тантаналар пайтида бу курси йилда бир марта ташқарига олиб чиқилиб, қолган вақтда Тийнал масжидининг ичиди сақланади.

Имом ал-Бухорий ўз ижодий фаолияти даврида йигирмадан ортиқ асарлар яратган бўлиб, кўплари бизгача етиб келган. Улар орасида алломанинг шоҳ асари «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ»

(Ишончли тўплам) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асар «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳурдир. Мазкур қимматбаҳо асар Маккаи Муқаррама, Мадинаи Мунаввара ва Бухорои Шарифда ўн олти йил давомида ёзиб тугатилиб, саккиз мингта яқин саҳийҳ ҳадисларни ўзида жамлаган. Асар мавзуларига қараб 97 китоб ва 3450 бобдан иборат. Қимматбаҳо манба сифатида «Саҳийҳ ал-Бухорий»нинг кўплаб қўлёзмалари дунёнинг йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланади. Асарга ёзилган юздан ортиқ шарҳлар мавжуд. Истиқлол шарофати билан имом ал-Бухорийнинг бу асари ўзбек тилида нашр қилинди.

«Саҳийҳ ал-Бухорий» ўн икки асрдан бундан бундан кўпайиб келинган иккинчи асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келинади. Имом ал-Бухорий Пайғамбаримиздан содир бўлган саҳийҳ ҳадисларни ҳар томонлама текшириб чуқур тадқиқ қилишга асос солган ҳамда ҳадисларнинг санад (яъни ровийлар)ига алоҳида эътибор бериб, бу масалага теваран илмий нуқтаи назардан қараган.

Ҳадис илми соҳасидаги алломанинг буюк хизматларини ўз даврида ҳам, ундан кейинги асрларда ҳам кўплаб машҳур олимлар юксак баҳолаб, бу илмда тенги йўқ, яқинроқ ягона аллома бўлганлигини бир овоздан таъкидлаганлар. Шу боис ҳам имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳеч бир олимга насиб этмаган «Амир ул-муминининг фи-л-ҳалийс» (ҳадис илмида барча мўмин-мусулмонларнинг амири), «Имом ал-муҳаддисийн» (барча муҳаддисларнинг имоми, пешвоси), «Имом ад-дунйа» (бутун дунёнинг имоми) каби шарафли номларга сазовор бўлганлар. Она юртимиз Туркистон номини жумлаи жаҳонга дoston қилган шундай буюк зотга мансуб авлодлар, муносиб ворислар бўлиш бизлар учун улкан шараф, айни вақтда жуда катта масъулиятдир.

Абдурахмон Жўра ёзиб олди.

ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 28 апрелда Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туриши кутулади, ёғингарчилик бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 6-11, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 7-12, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кечаси 6-11, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 9-14, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Фарғона vodiysidaги вилоятларда кечаси 6-11, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда кечаси 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади. (ЎЗА)

ШИФОКОР МУРУВВАТИ

Тошкентда инсон саломатлигига салбий таъсир қиладиган турли психологик омилларни бартараф этиш бўйича семинар бўлиб ўтди

Уни Тошкент давлат университетининг «Сихат-саломатлик психологияси» маркази билан «Соғлом авлод учун» халққаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази ташкил этди. Семинарда шу марказларнинг тингловчилари, шифокорлар, тиббий ва ижтимоий ходимлар иштирок этди.

Сандерленд (Буюк Британия) ва Саламанка (Испания) шаҳарларидаги университетлардан келган таниқли психотерапевтлар семинар иштирокчиларини хоризжда бу соҳада ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тажрибаси билан таништирдилар.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий шафқат тизими барпо этилган бўлиб, бу тизим республиканинг барча минтақаларини қамраб олган ҳолда муваффақиятли ишлаб турибди. Мутахассисларнинг тиббий-ижтимоий ходимлар ҳам жалб этилган кўчма брига-

далари биринчи навбатда кўп болали ва камхарж оилаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Бу бригадалар тиббий маслаҳат беришдан ташқари, мурувват ёрдамни топширмоқда, бундай оилаларни доимий шафелликка олмақда. Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, тиббий-ижтимоий ходим ўз шафеллигидаги кишиларга касалликлар ҳамда турмуш қийинчиликларига қарши курашда организмнинг ички имкониятларини кучайтиришда ёрдам бериш учун психолог ва психотерапевт кўникмаларига эга бўлиши керак.

Семинарда бундай иш Оила йилида гоёта муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди. Чунки жамиятнинг саломатлиги оилаларнинг саломатлигига боғлиқ.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ЖАМИЯТ МАНЗИЛГОҲИ: ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, КОСОН ШАҲРИ, «САНОАТ» КЎЧАСИ, 1-УЙ. ХИССАДОРЛАР РЕЕСТРИ ЁПИЛГАН САНА: 1998 йил 25 март.

КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХИССАДОРЛАРИНИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 7 май куни соат 17:00 да Косон ёғ-экстракция очик турдаги ҳиссадорлик жамияти мажлислар залида ҳиссадорларнинг 1997 йил якуни бўйича умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартибидаги масалалар:

- 1. Жамият бошқарув кенгашининг 1997 йил якуни бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси.
3. Жамият иштиёрида қолган фойдани тақсимлаш.
4. 1998 йилги бизнес-режани ва жамият олдига қўйган масалаларни тасдиқлаш.
5. Жамият бошқарув органларини қайта сайлаш.

Қўшувчи қилинади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ХАВФЛИ ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ КУЗАТИШ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТ БERAДИ:

Ўтган ҳафта давомида бўлиб ўтган кунчи ёнғингарчилик таърихида Тошкент вилоятининг Оқингарон, Самарқанд вилоятининг Уртут, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманларининг тоғ ёнбағирларида кўчкларнинг тезлашиши кузатилди. Тошкент вилоятининг

Паркент, Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сарисоё туманларидаги дарёлар ва сойларда сел оқимининг ўтиши қирқоқларнинг ювилишига ва тоғ жинсларининг сурилишига олиб келди. Фарғона vodiysida каналларнинг ишга тушиши ва уларнинг таъсирида булган ер-

ларнинг намлиги ниҳоятда юқори. Кўчкларнинг тез-тез содир бўлаётганини ҳисобга олиб, Давлат кузатиш хизмати огоҳлантирди: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғли ерларида жойлашган қишлоқлар, автомобиль йўллари, дам олиш масканларида кўчки хавфи сақланиб турибди.



Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-54;
Хўжув ва қонунчилик 136-07-94;
Иштиросидет 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Халқаро 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котабхона 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буларга Г — 01138, 42797 нумарда босили, ҳужуми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Маъбулотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Убасаров.
Навбатчи — К. Норқобил.
Музаҳхих — Ш. Маъраббев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Ҳосилга топширилади: 21.20 1 2 3 4 5 6